

ХУДУДЛАРДА

Фарғона шаҳрида давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда ушбу хужжат билан тасдиқланган Миллий стратегияда белгилаб берилган вазифалар ижроси юзасидан семинар-иғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотикларни назорат қилиш миллий маркази директори Р.Маматов, Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тиббиёт маркази директори тиббиёт фанлари доктори, профессор З.Ашурев, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, генерал-майор А.Икрамов, вилоят ҳокимлиги гурӯҳ раҳбари Ю.Камолов ҳамда вилоятдаги олий таълим муассасалари, ташкилот ва идораларнинг маънавият соҳаси вакиллари иштирок этишид.

Фарғона давлат университетида ташкил этилган семинар давомида Миллий стратегияда белгилаб берилган вазифалар ижроси юзасидан ўтказилаётган гиёҳвандликка қарши курашиш бўйича “Долзарб ойлик” идоралараро комплекс тарғибот тадбирлари давомида амалга оширилиши юзасидан вазифалар муҳокама этилди.

Шунингдек, республика идоралари раҳбарлари томонидан бугунги кунда гиёҳвандликнинг аянчли оқибатлари, унинг жамият ва миллат тақдирига таъсири хақида аниқ фактлар асосида маълумотлар берилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-10-05 11:07:57